

---

## ФУРҚАТ ТУМАНИ &QUOT;МИНГТУТ&QUOT; МАҲАЛЛАСИДАГИ МИНГДАН ОРТИҚ АҲОЛИНИНГ ТОЗА ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНДИ

Фурқат туманида аҳолини тоза ичимлик суви таъминотини яхшилаш чора-тадбирлари давом этмоқда.

Туман сувсозлари сўнгги бир ҳафта давомида “Мингтут” маҳалласидаги ичимлик суви қудуқларини махсус босим кўтарувчи техника (компрессор) ёрдамида тозалаб, сув босимларини кўтаришга эришишди.

Ушбу хайрли тадбирлар натижасида 200дан ортиқ хонадонларнинг тоза ичимлик суви таъминоти янада яхшиланди.

Ҳозирда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш самарадорлигини оширишга қаратилган ана шундай тадбирлар вилоятнинг бошқа ҳудудларида ҳам давом этмоқда.

"Фарғона сув таъминоти" ахборот хизмати

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook](#),  
2021-09-15 10:55:53